



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 47
(916)
2024 йил
21 ноябрь,
Пайшанба



МИЛЛИЙ ФУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Азалдан давлат рамзлари халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги ва барқарорлигининг тимсоли сифатида эъзозланади. Тарихий маълумотларга кўра, байроқлар эрамиздан аввалги III-II минг йилликда пайдо бўлиб, дастлаб қабилаларни бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида қўлланилган.

Манбаларда қайд этилишича, мустақил давлатнинг тимсоли сифатида байроқни яратиш ғояси дастлаб минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида пайдо бўлган. Давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида байробининг аҳамияти айниқса юксак

хисобланган. Чунки халқларнинг мустақиллик учун кураши ва бу йўлда эришган ғалабаси тимсоллари, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида ҳам ўз аксини топмоқда. Байроқ вақт ўтиши билан хукмдорлар, лашкарбошиларнинг хукмонлигини англатувчи

рамзга айланди. Шу тариқа, замонлар ўтиши билан байроқ мамлакат тарихини, унинг буюк ўтмиши, келажаги, мақсад ва эътиқодларини ҳам акс эттирувчи улуғвор тимсол сифатида эъзоз топди. Байроқ – азалдан хар бир давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ифодалайдиган, унинг ғурур-ифтихорига айланган рамзлардан бири сифатида инсонларни яқдилликка, улуғ мақсад йўлида бирлашишга чорлаган.

(Давоми 4-саҳифада)

Экология



ТАБИАТГА МЕХР КЎРСАТИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти тоғонидан 2024 йилнинг 29 август куни айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун имзоланди. Унга кўра, бир катор конунларга Ўзбекистон Кизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиши хавфи остида турган ёввойи ўсимликлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар турларини табиий мухитдан ажратиб олишни чеклашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИШОНЧЛИ ВА ШАФФОФ ФАОЛИЯТ

Ҳар бир демократик давлатда бошқарувнинг очиқлиги ва шаффоғлиги мухим аҳамиятга эга. Давлат органлари фаолиятидан аҳолини хабардор қилиш, фуқароларни қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишириб бориши ижтимоий тинчликни таъминлашда асосий омиллардан бири хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида “Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари хар кимга ўз хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларига даҳлдор бўлган хужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт”лиги белгилаб қўйилган.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ах-

борот воситалари, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича 10дан ортиқ қонун ва 150дан зиёд қонуности хужжатлари қабул килинган. Бу эса соҳада мустаҳкам хукуқий база яратилганини англатади.

Давлат органлари фаолиятини аҳолига аниқ ва тўлиқ етказишида ахборот хизматлари асосий вазифани бажаради. Уларнинг асосий функцияларидан бири давлат органларининг қарорларини оммага етиб боришини таъминлашдан иборат. Ахборот хизматлари оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар ва бошқа ахборот платформаларидан фойдаланиб, қарорлар ва тадбирларни жамоатчиликка тақдим этади. Бу ўз навбатида, давлат органларининг фаолиятига бўлган ишончни оширишга ёрдам беради.

(Давоми 3-саҳифада)



(Бошланиши 1-саҳифада)

Янги қонун билан 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга, 1994 йил 22 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурй жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга, 1997 йил 26 декабрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга, 2004 йил 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиият худудлар тўғрисида»ги Қонунга, 2020 йил 8 июлдаги «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қўйидаги ўзгаририлди:

17-модда:

■ Камёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсуви ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш учун уларнинг ўсиш мухити бўлган жойларда муҳофаза этиладиган табиият худудлар ташкил этилиши мумкин.

31-модда эса қўйидаги мазмундаги иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилди:

■ Қизил китобга киритилган камёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлар турларидан ушбу турдаги ўсимликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида уларни табиият муҳитдан ажратиб олган ҳолда фойдаланилиши мумкин. Бу ўсимликлар турларининг уруғлари, кўчатлари ҳамда нихоллари питомникларда ва плантацияларда етиширилиб, табиият муҳитга экилганидан кейин уч йил ўтмасдан аввал уларнинг уруғларини йигиши ёки ҳосилини олиш тақиқланади.

■ Қизил китобдаги камёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ўсимликларнинг айрим турларини ва уларнинг қисмларини табиият муҳитдан ажратиб олишга доир руҳсатномаларни бериш чекланиши мумкин. Ушбу чекловларнинг асослари, ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликларнинг турлари ҳамда уларнинг қисмлари, чекловларнинг амал қилиш муддати Фанлар академиясининг холосаси инобатга олинган ҳолда Экология вазирлиги томонидан берилади.

дан киритиладиган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қонуннинг 37-модда учинчи қисми эса қўйидаги ўзгаририлди:

■ Табиият омиллар ёки ўсимликлар зааркунандалари, касалликлари таъсирида заарланган, куриётган ёки қуриб қолган, шунингдек, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигига таҳдид солаётган давлат ўрмон фонди таркибига кирмайдиган дараҳтлар ҳамда буталарни кесиш Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан бериладиган руҳсатномалар асосида ҳақ тўланмасдан амалга оширилади.

Ушбу қонуннинг 42-моддаси матни қўйидаги таҳрир қилинди:

■ Ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликларни бошқа жойларга кўчириш

мёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларини табиият яшаш муҳитидан ажратиб олишга доир руҳсатномаларни бериш чекланиши мумкин. Чеклов асослари, ҳайвонларнинг турлари, чекловларнинг амал қилиш муддати Фанлар академиясининг холосаси инобатта олинган ҳолда Экология вазирлиги томонидан киритиладиган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

29-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрир қилинди:

■ Ҳайвонот дунёси обьектларидан махсус фойдаланиш учун руҳсатнома ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталар доирасида Экология вазирлиги томонидан берилади. Квоталар ҳайвонот дунёси обьектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш маълумотлари, Фанлар академиясининг холосаси асосида Экология вазирлиги томонидан тасдиқланади. Питомникларда, ховуз хўжаликларида етиширилган ва уларнинг худудидаги ёввойи ҳай-

лиги билан тузилган ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Қонунга яна қўйидаги ўзгаришилар киритилди:

■ Табиият, техноген ва антропоген омиллардан зарар кўрган ҳайвонларни реабилитация қилиш ҳамда кейинчалик табиатга чиқариб юбориши мақсадида табиият муҳитдан мажбурий тарзда ажратиб олиш Экология вазирлиги билан махсус келишувга кўра уларни туттганлик учун ҳақ тўламаган ҳолда амалга оширилади.

■ Питомникларда етиширилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган (учинчи ва кейинги авлод) ҳайвонлардан овчи ёввойи қушларнинг машқини ўтказиш учун ёввойи ҳайвонларни тутишга доир руҳсатнома мавжуд бўлган тақдирда фойдаланиладиган ҳайвоннинг сони ва турлари, машқ ўтказиш жойи ва муддати тўғрисидаги маълумотлар, ҳалқалар, микрочиплар идентификация ракамларининг ҳамда бошқа идентификация белгиларининг рўйхати тақдим этилади.

■ Ўрмон, қишлоқ ва овчилик хўжаликлари зааркунандаларининг, инсон ва ҳайвонлар хавфли касалликларини тарқатувчиларнинг рўйхати Фанлар академияси, Соглиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжаликлиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши қўмитаси, овчилар жамоат бирлашмалари билан келишилган ҳолда Экология вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Умуман олганда, ушбу Қонун экология соҳасидаги давлат бошқарувининг самарали ташкил этилишини таъминлашга, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган камёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликлар ҳамда ёввойи ҳайвонлар турларининг сони кўпайтирилишига, уларнинг ўсиш ва яшаш муҳити шароитлари яхшиланишига, шунингдек коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида хуқуқни кўллаш амалиётининг бир хиллиги таъминланшига хизмат қиласи.

Мурод НУРМАТОВ,
Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги бош
мутахассиси

ТАБИАТГА МЕҲР КЎРСАТИНГ



га, шунингдек, уларни дурагайлашга белгиланган тартибда Фанлар академиясининг холосаси инобатга олинган ҳолда Экология вазирлигининг қарорига кўра илмий ҳамда хўжалик мақсадларида йўл қўйилади.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун қўйидаги ўзгаририлди ва таҳрир қилинди:

19-модданинг биринчи қисми:

■ Камёб ва ўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар турларини махсус яратилган шароитларда қўпайтириш ва кейинчалик табиият яшаш муҳитига кўйиб юбориши мақсадида; илмий ва назорат ишларини амалга ошириш учун; қонунчиликка мувоғиқ алоҳида зарур бўлган ҳолларда табиият яшаш муҳитидан ажратиб олишга Фанлар академиясининг холосаси инобатга олган ҳолда ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Экология вазирлиги томонидан бериладиган руҳсатнома бўйича йўл қўйилади.

19-модда қўйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди:

■ Қизил китобга киритилган ка-

вонларни тутиш учун руҳсатнома талаб этилмайди.

«Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари қўйидаги таҳрир қилинди:

■ Овчилик хўжалигини юритиши хукуки юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги шартнома, агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди ерларида жойлашган бўлса, Экология вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги билан ёки, агар ов қилиш жойлари ўрмон фонди таркибига кирмайдиган ерларда жойлашган бўлса, Экология вазирлиги билан имзоланган кундан эътиборан юзага келади.

■ Овчилик хўжалигини овчилар жамоат бирлашмалари томонидан юритиши техник-иктисодий асоснома ҳамда, агар ов қилиш жойлари давлат ўрмон фонди участкаларida жойлашган бўлса, Экология вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги билан ёки, агар ов қилиш жойлари давлат ўрмон фонди таркибига кирмайдиган участкаларда жойлашган бўлса, Экология вазир-

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ахборот хизматлари нафақат давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди, балки жамоатчилик билан мулоқотни осонлаштиради. Улар фуқароларнинг фикр ва таклифларини йигиб, уларни тегишли органларга етказиш вазифасини ҳам бажаради. Бу мулоқот давлат қарорларининг аниқ ва ижобий қабул қилинишига ёрдам беради. Ахборот хизматларининг иши, шубҳасиз, давлат органларининг ҳисобдорлигини ва жавобгарлигини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Очиқликнинг таъсири остида, ахборот хизматлари давлат идораларининг хато қилиш эҳтимолини камайтиради ва коррупцияга қарши курашни кучайтиради. Давлат органларининг иши шаффоф бўлгандагина, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга имкон беради. Бу эса, давлат органлари орасида муаммо ва камчиликларни тўғри ва вактида аниқлаш имконини яратади.

Шу билан бирга, ахборот хизматлари жамоатчилик фикрларини тўплаш, уларнинг таклифлари ва эътиrozларини ўрганишига ёрдам беради. Бу омил давлат органларининг қарорларини янги имкониятлар ва талабларга мувофиқ қабул қилишига хисса қўшади. Давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқотни яхшилаш ва уларнинг фаолиятидаги янгиликларни тезкор ва самарали етказиш орқали ахборот хизматлари аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини оширади.

Давлат органларининг ахборот хизматлари кундан-кунга ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар орқали ахборот тарқатища фаол иштирок этмоқда. Бу эса жамоатчилик билан тез ва самарали мулоқот ўрнатиш, уларнинг сўровларига жавоб бериш имконини беради. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган хабарлар кенг аудиторияга етиб бориш имконини яратади.

Ахборот хизматлари фаолиятининг самараадорлиги учун давлат органлари ходимларининг малакаси ва иш фаолиятини яхшилаш жуда муҳим. Замонавий ахборот технологиялари, медиа ва коммуникация усулларини қўллаш орқали ахборот хизматлари тизими самарали фаолият юритишга ва жамоатчилик билан юқори даражада мулоқот ўрнатишга эришиши мумкин.

Бугунги кунда Наманган вилоятидаги ҳокимлик ва бошқармалар ҳузурида 40 дан ортиқ ахборот хизматлари ташкил этилган. Улар ўз веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлари орқали фуқароларга ахборот тақдим этишда самарали ишламоқда.

Бу жараёнда электрон ҳукумат тизимлари, ахборот порталлари ва оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Бироқ, ютуқлар билан биргалиқда муаммолар ҳам йўқ эмас, ҳусусан, баъзи ахборот хизматларида бошқа соҳа вакилларининг фаолият юритиши натижасида ахборот етказишда айрим муаммолар юзага келмоқда. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун эса ахборот хизматлари ходимларининг малакалари ва уларнинг ахборот тарқатиш кўниммала-

Германияда ахборот хизматларининг самарали фаолияти давлат органларининг ҳар бир қарорини ўз вактида жамоатчиликка етказишни таъминлайди. Германиянинг ахборот хизматлари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор қаратган. Шунингдек, давлат органлари фаолияти ва уларнинг қарорларига алоқадор ахборот манбаларини жамоатчилик учун очик бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Германияда ахборот хизматларининг асосий вазифаси –

орқали ахборот тарқатишнинг самараадорлигини оширади. Шунингдек, Сингапурда давлат органларининг ахборот хизматлари фаолиятини яхшилаш учун замонавий ахборот технологиялари ва медиа-коммуникация усуллари жорий этилган.

Жанубий Корея Республикасининг ахборот хизматлари фаолияти шунчаки ахборот тарқатишга эмас, балки жамоатчилик билан мулоқотни таъминлашга ҳам қаратилган. Кореянинг ахборот хизматлари кўпинча ижтимоий тармоқлар



ИШОНЧЛИ ВА ШАФФОФ ФАОЛИЯТ

рини доимий ошириб бориш зарур.

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилганда ахборот хизматлари фаолиятида бу жараённи янгича йўллар билан амалга оширишда катта муваффақиятларга эришайтганларни кузатилди.

Масалан, АҚШда ахборот хизматлари фаолияти федерал, давлат ва маҳаллий даражаларда ривожланган. АҚШ ҳукумати ахборот ва медиа соҳасини амалга оширишда, давлат органларининг фаолияти ҳақида аниқ ва барқарор маълумотларни тақдим этишга алоҳида эътибор беради. Федерал ҳукуматнинг ахборот сиёсати ва ахборот хизматлари соҳасидаги асосий вазифалардан бири — фуқароларга давлат органларининг фаолияти ҳақида аниқ ва текширилган маълумотларни ташкил этишдан иборат. Оммавий ахборот воситалари ва интернет платформаларини фаол ишлатиш орқали АҚШ ҳукумат органлари ўз фаолиятини шаффофлаштиради ва жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатади. Ахборот хизматлари ахборотни тез тарқатиш, жамоатчилик фикрларини тўплаш ва уларни қарорлар қабул қилиш жараённига интеграция қилишда муҳим роль ўйнайди.

Фуқароларга давлат органларининг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериш, ҳамда матбуот анжуманлари, брифинкларни ташкил этишдан иборат. Бундан ташқари, ахборот хизматлари фуқароларнинг сўровларига ўз вактида жавоб берishi ва уларнинг талабларига асосан қарорлар қабул қилиш жараённида иштирок этиш орқали жамоатчилик билан мулоқотни яхшилашга ёрдам беради.

Сингапурда ахборот хизматлари фаолияти давлат органларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашга катта таъсир кўрсатади. Давлат ахборот хизматлари, шу жумладан, Ахборот, Коммуникациялар ва Медиа (MCI) агентлиги орқали давлат органларининг фаолияти ҳақидаги аниқ ва текширилган маълумотларни тарқатища муҳим роль ўйнайди. Сингапурда ахборот хизматлари жамоатчилик фикрини тўплаш ва уларнинг таклифлари асосида қарорлар қабул қилишга кўмаклашади. Ахборот хизматларининг самарали фаолияти уларнинг ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформаларда фаол бўлишини, фуқаролар билан тез ва ўзаро мулоқот ўрнатишни талаб қилади. Бу оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар

ва онлайн платформалар орқали фуқароларга давлат органларининг фаолияти, қарорлари ва тадбирлари ҳақидаги маълумотларни узоқ вакт олдиндан тақдим этишга интилади. Шунингдек, Кореяда ахборот хизматлари фуқароларнинг фикрларини ва таклифларини тўплаш, давлат органларининг қарорларига жавоб бериш ва уларнинг ишончини оширишга йўналтирилган. Давлат органлари ахборот хизматлари орқали аҳолига янги қарорлар, давлат дастурлари ва сиёсаларини аниқ ва самарали тушунтиришга харакат килади.

Кисқача айтганда, ахборот хизматлари жамоатчилик билан мулоқотни самарали олиб бориш, фуқароларнинг фикрларини тўплаш ва давлат органларининг иши ҳақида аниқ ва тўлиқ ахборот тарқатиш орқали ўзининг муҳим вазифасини бажаради. Ўзбекистонда ахборот хизматлари ва уларнинг фаолиятининг ривожи ҳукумат ва жамоат ўртасидаги ишончни оширишга катта хисса қўшади.

**Муҳаммадали
УБАЙДУЛЛАЕВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
Наманган вилояти бўлинмаси
раҳбари**

(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлат рамзлари ор-номус, шон-шараф белгиси сифатида эъзозланган. Байроқ ҳар бир халқ, миллатнинг шонли ўтмиши ва буюк келажаги, асрий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган. Буюк ўтмиш, шонли тарихга эга халқимизнинг давлат барпо этиш гояси, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, ўзининг давлат рамзларида акс этган. Ўз рамзларига эга бўлган давлат ўз тақдирини ўзи белгилайди. Мустақилликнинг муқаддас рамзи ҳисобланмиш давлатимиз байроғига назар солар эканмиз, байроғимиз баланд-баландларда ҳилпираганда ёки мадхиямиз янграганда биз руҳий қувватни, қалбимизда ғуур ва буюк истиқболга бўлган ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Буюк саркарда Амир Темур салтанатида ҳам байроқ давлат ва миллатнинг ғуури саналган. Уч ҳалқа тасвири туширилган давлат туғи Сохибқирон қўшинидаги энг ишончли баҳодирлар, саркардалар томонидан қўриқланган. Ганимларга қарши жанг жадалларда юксак мардлик ва жасорат намунаси ни кўрсатган амиру сипоҳийларга ҳам маҳсус түғ ва ногора ҳадя қилингани тарихий манбаларда ўз аксими топган. Амир Темур ўз ҳаёти давомида ғолиблик байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл бирлашди ва у барпо этган улуғ салтанат довруги дунёда достон бўлди. Бу давр давлатчиликимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди. Темур салтанатида байроқ том маънода мамлакат рамзи, улуғворлик тимсолига айланди. Ўша даврда жангчиларга жанговар руҳ багишлаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниктириш мақсадида жанг майдонлари узра байроқ ҳамиша баландликда ҳилпираб турган. Шу тариқа, Темур салтанатида байроқ давлатнинг мустаҳкам ва қудратли эканлигини ифода этган.

Амир Темур давлатида давлат байроғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи сифатида эъзозланган. Жанг жадалларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли, жасур, ботир ва баҳодирларга ҳадя қилинган. Сохибқирон давлатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Бу салтанатда байроқ юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг жасур жангчилар томонидан қўриқланди. Амир Темур замонида байроқни паст тутиш ёки сарбознинг кўлидан тушиб кетиши хосијатсиз саналган. Бунга Амир Темур алоҳида ўтибор қаратган. Байроқнинг пасайтирилиши мағлубият ва ортга чекиниш ишораси бўлган. “Темур тузуклари”да қайд этилишича, душман устидан жасорат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган



МИЛЛИЙ ФУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

марtabали амирлар ва сипоҳийларга давлат тимсоллари – түғ ва ноғора тухфа этилган.

Бугун Янги Ўзбекистонни порлаётган қуёшга қиёсласак, ундан таралаётган илму зиё нури кўхна заминга меросдир. Давлатимиз байроғи халқимизнинг иродасини тоблаб, элни эзгулик, улуғ ва буюк мақсадлар сари бирлаштириб халқимизга руҳий қувват беради. Миллий байроғимиз жуда чиройли, унда улуғворлик, эзгулик, тарихимиз акс этади. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 ноябряда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси сайланган Президентининг лавозимида киришишига багишланган кўшма мажлисида сўзланган нутқида: “Жонажон Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган давлат байроғимиз, мадхиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юксак ҳурмат бажо келтираман”, дея таъкидлаши давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас рамзлар сифатида ғоят эъзозланганлигини теран англаш лозим. Зоро, байроқ давлат мустақиллигининг асосий рамзи сифатида унда мам-

лакатнинг миллий менталитети ва тарихи акс этади. Албатта ушбу жозибадор сўзлар Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдерорини барпо этиш йўлида эзгу ниятлар билан қадам қўяётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳурлиги, шаъни, қадр-қиммати тимсолларига юксак муносабат ифодасини англатади. Шу ўринда байроққа бўлган ҳурмат ва ўтибор АҚШда ватанпарварликнинг тимсоли сифатида эъзозланишини кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, АҚШда “Президент” ва давлат байроғига садоқат ватанпарварлик рамзи ҳисобланади. АҚШ президентлиги юксак шараф ҳисобланади. Байроққа қасамёд таълим муассасаларидан бошлаб ёшларга ва кенг жамоатчиликка тури кино, сериаллар, мультфильмлар орқали доимий сингдириб борилади. Бу борада, Пентагонда кино ва телевидение бўйича маҳсус бўлим мавжуд бўлиб, яратилаётган ва-

учун, ўзбекистонлик учун она Ватан каби азиз ва муқаддасдир. Давлатимиз байроғини асраб-авайлаш, Ватанни севиш, жонажон халқимиз учун жонни фидо қилишга тайёр бўлиш ҳар юртдошимиз учун олий бурчи ва шарафдир.

Хорижий мамлакатларда ватанимиз байроғини қабул қилинган байрам муносабати билан Дубай шаҳрида жойлашган дунёнинг энг баланд иморати – “Бурж Ҳалифа” (баландлиги 828 метр)да Ўзбекистон байроғи тимсолининг намойиш этилиши албатта ватандошларимизга чексиз ҳаяжон ва ғуур бахшида этмоқда. Хорижда бўлганимизда, ҳилпираб турган байроғимизга чексиз ғуур билан нигоҳ ташлар эканмиз, юрагимизда фарх туйғуси үйгониб, руҳиятимиз кўтарилади. Байроғимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида ҳам Ўзбекистон деган ҳимоячимиз, сунячимиз борлигини теран хис этамиз. Мардлик ва буюклик мартабаси акс этган байроғимизга ни-

гоҳ ташлар эканмиз, беихтиёр у ҳар бир ватандошимиз қалбини ғуурга тўлдиради. Шу боис, давлат рамзи сифатида байроқ буюк келажак ва ёруғ истиқболни ўзида мужда қилаётгандек залворли ҳилпирайди. Шуни алоҳида ғуур ва ифтихор билан айтишимиз мумкин, жонажон Ўзбекистонимиз байроғи дунёдаги энг чиройли ва кўркам байроқлардан биридир. Жаҳон майдонларида байроғимиз виқор билан савлат тўкиб ҳилпираши бизни ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимиз кўрсатиб туради.

Зоро, ватанимиз байроғи ана шундай юксак эъзоз ва ўтиборға муносаб давлат рамзидир. Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз байроғи халқимиз ор-номусини ўйготувчи бекиёс куч сифатида озодлик, ватанни севишга даъват этиб, миллий ғуур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти бўлим
бошлиғи, сиёсий фанлари
доктори (DSc),
катта илмий ходим,
Толмас РАЗАКОВ,
Республика маънавият
ва маърифат маркази бош
мутахассиси

Шу ўринда, қайд этиш лозимки, давлатимиз байроғи ҳар бир ўзбек

Ҳар бир жамият жиной фаолиятга қарши курашиш, уни камайтириш ва жамиятда тартибни сақлаш учун турли воситалардан фойдаланади. Бинобарин, улардан бири — пробация. Таъкидлаш керакки, пробация жиноят содир этган шахсни жамиятга қайта интеграция қилиш жараёнида мухим аҳамиятга эга механизм сифатида намоён бўлади.

Хўш, пробация ўзи нима? Пробация — бу суд томонидан шахсни жиноят учун жазолаш, бироқ уни озодликдан маҳрум қилимасдан, белгиланган муддат давомида назорат остида қолдириш тартиби. Бу тизим жиноят содир этган шахсларга жамиятда яшаш, лекин муайян шартлар асосида ва давлат органлари томонидан назорат қилинган ҳолда жиноий оқибатлардан халос бўлиш имкониятини беради.

Маълумки, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида кўлланилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун эса айни пробациянинг аҳамияти бекиёсdir. Жиноят содир этган шахс қилимиши оғир енгиллиги қараб имкон қадарозодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилиниши керак. Зоро, бу каби жазо турлари жазо тайинлашнинг мақсадига — маҳкумни ахлоқан тузатиш ва ижтимоий реабилитация қилишга мувофиқ келади ва шахсни тезроқ жамиятга реинтеграция бўлишига ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда айнан ушбу фаолият алоҳида институт сифатида шаклланниб ултургани ҳам бежизга эмас. Ҳусусан, жорий йилнинг 7 август куни Ўзбекистон Республикасининг 938-сонли “Пробация тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг яққол на-мунаси бўлади. Ушбу қонун қонунийлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш, табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш, ошкоралик прин-

қилинган шахсларнинг ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-автори устидан назоратни амалга оширишга, уларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини ҳамда

да, янада оғирроқ жазоларга дучор бўлишлари мумкин.

Пробациянинг яна бир мухим афзаллиги шундаки, жазони озодликдан маҳрум этишга нисбатан анча иқтисодий самарали экан-



ПРОБАЦИЯ — ЖАМИЯТГА ҚАЙТА ИНТЕГРАЦИЯ

циплариға асосан пробация назоратига оид муносабатларни тартибга солиши белгиланди.

Жумладан, конуда пробация ва пробация назорати, пробация назорати остидаги шахс каби тушунчаларга таъриф берилди ҳамда ушбу муносабатлар қонун даражасида тартибга солиниши белгиланди.

Пробация — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазоларнинг ижро этилишини таъминлашга, маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатишга, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашга, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Албатта, пробация фаолиятини амалга оширишда пробация назорати давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бинобарин, биз, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсларнинг, шартли ҳукм

жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришга, суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбурияtlарга риоя этилишини таъминлашга, шунингдек уларни ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган фаолиятни пробация назорати деб тушунишимиз лозим.

Ҳар бир фаолиятда бўлгани сингари пробациянинг ҳам ўзининг мақсадлари мавжуд. Жумладан, пробация тизими жамият учун фойдали бир неча мухим мақсадларга эришишга қаратилади.

Масалан, пробациянинг асосий мақсадларидан бири маҳкумларни қайта ижтимоийлаштириш ва уларни жамиятда қайта фаолият юритишига тайёрлашдир. Ушбу мақсадга эришишда уларга таълим бериш, касб-хунарга ўргатиш ва психолого-гик ёрдам кўрсатиш орқали жамиятга қайтишига ҳаракат қилинади.

Шунингдек, пробациянинг назорат тартиби маҳкумларнинг хулқини кузатиш ва уларни қайта жиноят содир этишдан сақлаш мақсадида амалга оширилади. Шахсларга белгиланган қоидаларга риоя қилиш мажбурияти юклатилган бўлиб, улар бу шартларни бузган тақдир-

лигидадир. Чунончи озодликдан маҳрум этиш давомида давлат ресурслари сарфланади, пробация эса маҳкумларни назорат қилиш билан бирга, уларнинг жамиятда фаол иштирок этишларига ёрдам беради.


Пробация фақат жазо эмас, балки шахснинг тўғри йўлга тушишига ёрдам берадиган восита ҳамдир. Бу жараён шахсга ўз хатоларини тан олиш, уларни тузатиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш имконини беради. Шунинг учун ҳам, пробация фаолиятини бевосита ушбу фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг фаолияти эмас, балки бутун жамият томонидан амалга оширилиши керак бўлган фаолият сифатида қарашларни шакллантириши лозим.

Пробация — бу жамиятда жиноий хулқ-авторни назорат қилиш ва камайтиришга қаратилган самарали восита. Бу тизим шахсларни қайта ижтимоийлаштириш, уларни жамиятга қайтиши ва қайта жиноят содир этишларининг олдини олишга ёрдам беради. Пробация жамият ва шахс ўртасидаги тенгликтин таъминлаб, ҳар икки томон учун ҳам фойдали шарт-шароитлар яратади.

Пробация бу жамиятга қайта интеграция демакдир!

**Бекзод БАХРИНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Юнусобод туман судининг
судьяси.**

Янги китоб



ЎКИНГ, ҚУЛИНГ, ҮМРНИ УЗАЙТИРИНГ

Кулги, табассум – ҳаётнинг безаги, давраларга рух бағишилайдиган, кўнгилларни кўтарадиган Аллоҳнинг бир ноёб яратиши. Ўзбек каби қулгини ардоқлайдиган ҳалқ дунёда кам. Қизиқчилик, ҳазил-мутойибаларни нари қўйиб турайлик.

гини, ранг-баранглигини намойиш этади, ҳалқнинг табиатан феъли, даргоҳи кенглигини кўрсатади.

Аския – улуғ санъатлардан бири. Аскияда бир сўз айтилса, дарҳол бир неча лаҳзалар ичиди унда яшринган нозик маънени англаш ва унга зукколик билан муносаб жавоб топа билиш ва шу заҳотиёқ қайтара олиш лозим.

Одамлар сўзнинг сехрини, пинҳон нозик маъ-

ноларни англаш ва шунинг баробарида завқланиб роҳатланиш учун аския давраларига интиладилар, давраларни тўлдирадилар. Чунки бизнинг ҳар сўзим сеҳрли, унда кам деганда уч-тўрт маъно яширинган бўлади. Бу ижодкор учун ҳам катта мактаб, айни пайтда бемисл имкониятдир.

Андижонлик таникли адаб, моҳир журналист Ҳабиб Сиддиқнинг ҳажв ва юморнинг турли баҳраларида яратилган асарлари, киссалар, ҳикоялар, публицистик мақолалар, ҳажвиялар, таржималардан иборат “Сайланма” китобини ўқиганимда, юкоридаги сўзлар хаёлимга келди. Ҳа, Ҳабиб Сиддиқ аскияниң марказларидан бири бўлган гўзал водий фарзанди. Машхур аскиячилар сухбатларида кўп бўлган, қатнашган. Албатта, ижодкорга яхши маънода юқани кўриниб туриди. Чунки, унинг асарлари қаҳрамонлари орасида водийнинг тантиси, ҳазилкаш, самимий инсонлари тагдор, китмиона, илмоқли гаплари – андижонча лутфи билан бўй кўрсатиб туради.

Ҳабиб Сиддиқнинг ўз ўқувчилари, ичакузди ҳангомаларини излаб ўқигувчи, гоҳида бошқаларга ҳам айтаб кулиб, кулириб юргувчи мухлислари кўп, тадқиқчилари бор. Бу кишини хурсанд киласди.

Сўнги йилларни ўз ичига олган давр илмий ва эксперт доиралар томонидан Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи деб аталмоқда. Ушбу кисқа вақт ичида Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишига эришиш, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ноқонуний диний таълим беришга қандай жавобгарлик бор?

Ўтган қисқа вақт давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришга каратилган мухим ташаббуслар илгари сурилди.

Биринчидан, 2016 йилнинг 18 октябрида Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташкилоти ишлар вазирлари кенгаси 43-сессияси йигилишида Ўзбекистон Президенти томонидан Самарқандда Ислом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиб, халқаро майдонда ислом динига нисбатан кузатилаётган бир ёклама салбий муносабатга нисбатан ўзининг қатъий позисиясини муҳтасар ифода қилиб, жумладан шундай деди: “Биз мұқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир категорга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асрар-авайлашга даъват этади”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳақида сўзлади. Ислом цивилизацияси маркази ўз гояси ва аҳамиятига кўра бетакор лойиҳа бўлиб, ислом динининг илмий-маънавий бойлиги, бунёдкорлик салоҳиятини намойиш этишга каратилган.

Учинчидан, бутунги мураккаб ва таҳлиали даврда замонавий таҳдидларга қарши турга оладиган, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга, диний фанларни пухта ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ана шу мақсадда 2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси таъсис этилди.

Мен унинг ижодини доим кузатиб бораман. У киссалар ва ҳикоялари, ҳажвия ва ҳангомалири, публистик маколалари билан тез-тез матбуот саҳифаларида кўриниб туради. Ичакузди миниатюралари телекранларда намойиш этилади. Ҳозиргача унинг ўндан зиёд китоблари нашр этилган.

Ижодкор тинимсиз ўқиб-ўрганади, янгиликлар қидиради. Ҳа, Ҳабиб тин билгани йўқ. 1988 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон ижод уйида бўлиб ўтган ёш ёзувчилар анжуманида Ҳабибининг биринчи китоби Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Ахмад раислигига мухокама килинган, ижобий баҳо олиб, нашрга тавсия этилган, энг мухими ёш ижодкор улуғ адабимизнинг эътиборига тушганди. Бу катта марра эди. Унгача ҳам, Ҳабиб Тошкентда аспирантурада таҳсил олган йиллари ўзининг ilk машқлари билан “Муштум” журнали таҳририяти кошидаги “Ёш ҳажвчилар” мактабига қатнади, ижод сирларини ўрганди. Бу ерда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Нельмат Аминов, истеъоддли адаб Сайдулла Сиёев каби кулги даргалари билан танишди, машқларини уларнинг назарларидан ўтказди,

Табаррук Термиз заминида буюк мұхаддис Имом Термизий номи билан аталаған халқаро илмий-тадқиқот марказ, диний таълим муассасаси фаолият бошлади. Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан Имом Термизий, Ҳаким Термизий ва бошқа термизий алломаларнинг 14 та асари ўзбек тилига таржима килиниб, чоп этилди.

Мусулмонлар эътиқодини тўғирловчи, уларни хидоят йўлига бошловчи аллома Имом Мотуридий илмий меросининг бутунги кундаги долзарб аҳамиятини эътиборга олиб, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил килинди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийдек буюк аждодларимиз асос солган ҳадис мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улар қолдирган бой илмий меросни ўрганиш мақсадида Самарқандда Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.

Шунингдек, соҳага оид конунлар тақомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳоҳлаган динга эътиқод килиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хукуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

2021 йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти конунининг 19-моддасига биноан диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материаларни Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибида ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишига ҳаклиди.

Шунингдек, чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиши, уларнинг мазмуни қонунчиликда белгиланган тартибида экспертиздан ўтказилганидан кейин амала оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасига кўра, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, ҳудди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш — базавий хисоблаш миқдорининг эллик бараваридан

ижодий маслаҳатларини олди. Бугунга келиб эса Ҳабиб Сиддик ана шу улуғ устозларининг йўлини мувваффа-қияти давом эттираётган таниқли ижодкорлардан бирига айланди.

Адабнинг “Мустақил фикр”, “Амриқолик қўшиниларим”, “Инглизча туш”, “Пулни эҳтиёт қилинг” каби кўплаб ҳикоя-ҳангомалари, “Лаббай, хўжайн”, “Яхшилар кўп дунёда” номли қиссалари сюжетнинг таранглиги, қизиқарли экани билан ўқувчида яхши таассурот қолдирди. Ўқувчи бу асарларни завқ билан ўқиб битирмагунча кўлдан кўймайди.

Ҳабиб Сиддик ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни шундоққина олиб қўяқолмайди, балки уни ижодкор кўзи қараб бадий асарга айлантиради, керак бўлса қўшади, ёки ўзгартиради. Натижада биз ҳаётда кўрган оддий воқеа-ҳодисалар ўрнида ўзувчи тафаккурида “пишган”, “тобланган”, муйян ижтимой юкка эга расмана бадий асарни кўрамиз. У ҳазилни тушунади ва топиб ёзди. Шуниси мухим. Бир пайтлар устоз Сайд Ахмад сухбатлардан бирида ҳазилни ёлатиғани тушунмайдиган айrim одамлардан куюниб деганди: “Агар бир латифа айтсанг, кулмайди ва “Бу воқеа қаерда бўлган...” деб сўраб, ёкангдан олади”.

тушунчалар бериши тез-тез учраб туриди. Бу эса аҳоли орасида турли хил тушунмовчиликларга, инсонларнинг онгига салбий таъсир килишига, бундан ташқари, жамиятда диний масалалар билан боғлиқ ихтилофлар келиб чиқишига, аҳолининг ёт ғоя ва қарашлар таъсирига тушишига сабаб бўлади. Шу максадда, Қонуннинг янги таҳририда диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний фаолият сифатида белгиланди.

Шу жумладан, интернет тармоқлари фойдаланувчилирига, яшаш манзилда ва хорижда истиқомат қилувчи Ўзбекистон фуқароларига ҳукумат томонидан тақиқланган террористик ҳамда диний экстремистик ташкилотларга аъзо бўлиши, улар томонидан чиқарилган ёт ғояларни тарғиб қилувчи видео, аудио материаллар маълумотларини ҳар қандай шаклда кўриши ва эштиши ҳамда кўллаб-куватлаши, ушбу материалларни босма шаклда ёки ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиши ёхуд саклаш — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ти конунининг 19-моддасига биноан диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материаларни Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибида ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишига ҳаклиди.

Шунингдек, чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиши, уларнинг мазмуни қонунчиликда белгиланган тартибида экспертиздан ўтказилганидан кейин амала оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 145-моддасига кўра, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, ҳудди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш — базавий хисоблаш миқдорининг эллик бараваридан



етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади.

Бунда вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга ноқонуний тарзда жалб этишга турли йўллар билан, масалан алдаш, моддий рағбат ваъда қилиш, ўчилиш, кўрқитиши, қасос олиш туйгусини сингдириш ёки бошқа сабабларни кўрсатиб мажбураш ёхуд кўндириш жиноий жавобгарликка асос бўлади.

Маълумот учун, диний материаллар яъни дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мағкураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиши амалиётини акс эттирувчи китоблар, рисолалар, журнallар, газеталар, варакалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиптар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хентай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмларни Ўзбекистон Республикаси худудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиши учун албатта, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан экспертиздан ўтказилиши шарт.

Ҳадиси шарифда эса: “Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садака беришидан яхшироқдир”, – дейилган.

Ҳозирги пайтда ёшлар онгига энг хатарли иллатларни, жумладан, мутаассиб гояларни сингдириш, уларни куролли тўқнашувлар кетаётган мамлакатларга жўнатиб, манқурт жангаришларга айлантиришга уринишлар кузатилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир ота-онадан ўз фарзандининг тарбиясига масъулият билан ёндошиш талаб этилади.

**Гайрат РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси “Ислом тарихи ва
манбаҳунослиги IRCICA” кафедраси
мудири**

Ҳабиб Сиддикнинг бадий таржима соҳасидаги изланишлари ҳам эътиборга сазовор. Чунки, таржима – ижодий мактаб майдони. Мен Бернард Шоу, Азиз Несин, Бронислав Нушич, Эмил Кроткий ва бошқа сўз санъаткорларининг Ҳабиб ўтирган асарларини ўқиганимда таржимонлик ижодкор маҳоратни оширишда бекиёс хизмат кўрсатаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Мазкур “Сайланма” мълум маънода босиб ўтилган ижодий йўлга бир қараб қўйиш, сарҳисоб қилиши ва кейинги қўйиладиган ижодий қадамларни чамалашда катта майдон вазифасини бажаради, режаларни қуоқлаштиришга ёрдам беради, янги ижодий жасоратларга унрайди. Вақти-вақти билан сарҳисоб дафтарини вақақлаб туриш яхши одатдир.

Ҳа, “Ҳабиб-табиб-адиб”(профессор Йўлдош Солижонов таъбири) Сиддикнинг “Сайланма”сини ўқинг! Сизни зериктириб қўймайди.

Ўқинг, кулинг, дўстлар, кулги умрни узайтиради.

**Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Давлат мукофоти лауреати**



Истиқболдаги вазифалар

Аввалги парламент мамлакатнинг келгуси тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи Конституциянинг янги таҳририни тайёрлаш ва қабул қилишда фаол иштирок этди, 130 дан зиёд янги қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, Президент парламент фаолиятидаги баъзи камчилекларни ҳам таъкидлади. Жумладан, тўғридан-тўғри амал қилувчи ва аник ижро механизmlарига эга қонунлар етарли эмаслиги, парламент назорати тўлақонли таъсирчан институтга айланмаганини, депутатларнинг сайлов округларидағи фаолияти самарадорлигининг пастлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан янги парламент олдида турган муҳим стратегик вазифалар, жумладан конун ижодкорлиги, парламент назорати ва ҳалқ манфаатларини ифодалаш каби кенг қамровли йўналишлар белгилаб берилди.

Биринчидан, ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилиши белгиланди. Депутатларга ўз устиларида кўпроқ ишлаш, билим ва тажрибани доимий равишда ошириб бориш, масъулиятни чуқур хис қилип ишлаш кераклиги билдирилди.

Иккинчидан, парламент қўмиталари вазирлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари лозимлиги айтилди. Бунда аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, одамларни қўйнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш бош вазифа сифатида белгилаб берилди. Депутатлар ўз ваколатлари доирасида ўз округларидаги туман ва шаҳар дараҷасида сўров ва талабни кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Учинчидан, конун ижодкорлиги жараёни, аввало, жамиятимиздаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга ва халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган бўлиши кераклиги таъкидланди.

Конун ижодкорлиги соҳасида бир қатор муҳим масалалар кун тартибиغا кўйилди. Улар қўйидагиларни ўз ичиға олади:

- аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қонуни максадида “Реновация тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- фуқароларнинг уй-жой курилишига йўналтирилган маблағларини

ишиончли ҳимоя қилиш механизmlарини яратиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш максадида мажбурий тиббий сугурта тизимини жорий этиш;

- замонавий технологиялар, хусусан, сунъий интеллект соҳасидаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш;

- иқтисодиётнинг янги йўналишлари, жумладан, франчайзинг, капитал бозори ва стартапларнинг фаолиятига оид хуқуқий асосларни мустаҳкамлаш.

Тўртингчидан, янги даврда парламент ҳақиқий ҳалқ уйига, унинг қуий палатаси эса ғоялар генераторига айланниши лозим. Шунингдек, парламент соглом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдони бўлиши кераклиги таъкидланди. Бунинг учун бир қатор қўшимча хуқуқлар ва кафолатлар таклиф этилди:

- парламентдаги муҳолифатга кафолатланган хуқуқлар сонини 3 тадан 6 тага ошириш;

- 1 нафар қўмита раиси ва 2 нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини муҳолифат учун кафолатли ажратиш;

- ҳар чоракда “Хукумат соати” ва парламент сўрови доирасида камида биттадан масала киритиш имконияти яратиш;

Бешинчидан, Президент Қонунчилик палатасига янги хуқуқлар берилганини эслатиб ўтди. Бунга мувофиқ, Хукумат аъзосининг ҳисоботини эшитиш, унинг якунларига кўра мазкур раҳбарни истеъфога чиқариш ҳақида Президентга таклиф киритиш хуқуки амалга оширилиши мумкин.

Олтинчидан, Давлат раҳбари парламент олдиға Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати эканлигини эслатиб ўтди. Шу муносабат билан, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизmlарини янада кучайтириш, Хукуматнинг давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини факат Бюджет кодексида белгиланган аудит хulosasi билан биргалиқда Қонунчилик палатасига киритиш амалиётига ўтиш вазифаси белгиланди.

Бундан ташқари, давлат бюджети

Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди — Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги таркиби фаолиятини бошлади.

Давлатимиз раҳбари сайловдан кейинги дастлабки мажлисда ўтган парламент фаолиятига ижобий баҳо бериб, салмоқли натижаларга эришилганлигини алоҳида қайд этди.

Масъулияти

ижросини назорат қилишда парламент қўмиталари ролини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Еттингчидан, жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишида парламентнинг фаол иштирокини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди. Хусусан, депутатларни инвестиция дастурларини тайёрлаш жараёнига жалб қилиш ва уларнинг фикрларини инобатга олиш имкониятини яратиш максадида аник механизmlарни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Сакизинчидан, туман ва шаҳарларнинг молиявий имкониятларини ошириш максадида келгуси йилдан ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солигининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳар худудида қолдириш таклифи билдирилди.

Тўққизинчидан, фуқаролар ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш максадида, Президент Қонунчилик палатаси хузурида Жамоавий ташабbuslar бўйича парламент комиссиясини ташкил этиш таклифини билдирилди.

Үнинчидан, Давлат Раҳбари ҳалқаро парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш максадида қуий палатада қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш, иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш бўйича парламент комиссияларини ташкил этиш ташабbusини илгари сурди.

Янги тузилаётган парламент комиссиясига ташабbusни қўлга олиб, қонунларни Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига тўлиқ мослаштириш вазифаси қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, янги чақириқ парламенти олдида турган вазифалар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мантикий давоми сифатида катта аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши нафақат қонунчилик тизимини такомиллаштиришга, балки ҳалқ фаровонлигини оширишга ҳамда жамиятда демократик қадриятларни янада мустаҳкамлашга хизмат килади.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
Демократик жараёнларни таҳлил
қилиш маркази бўлим бошлиғи**

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бошмухаррир
Максад ҶОНИХОНОВ**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма раками Г-1010

Адади: 1115.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғозбичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

...Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталари эди. Мен Ўзбекистон телевидениесининг “ЁШЛИК” студиясида мухаррир бўлиб ишлар эдим. Олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган “Студентлар конструкторлик бюроси” ва “Студентлар илмий жамияти”даги халқ хўжлигининг турли соҳаларида татбиқ этиши мумкин бўлган кашфиётларни кенг тарғиб қилиш мақсадида янги ташкил этган “Ижод ва изланиш” деб номланган кўрсатувимнинг навбатдагисини тайёрлаш учун Тошкент Давлат тиббиёт институтига бордим.

ДОВОН ОШАЁТГАН ОЛИМ

Қадим Хоразм воҳасида туғилиб, унинг иссиқмисан иссиғида, совукмисан совуғида тобланиб улғайган, мактабни аъло баҳолар билан битириб шифокор бўлишга азму-қарор қиласкан Адҳамжон Воисов билан ана шу қутлуғ даргоҳда танишганим ҳамон кўз ўнгимда. Ўшанда даволаш факультетининг ёшлар қўмитаси котиби лавозимида ишлайдиган очик чехрали Адҳамжон Воисов кўрсатувни ташкил этишдан тортиб, эфирга узатишгача бўлган жараёнда фаол қатнашган. Ҳатто кўрсатувдан сўнг таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, ректорнинг миннадорчилигини ҳам етказган.

Талабаликка қабул килинган биринчи кунидан бошлаб амалиётни чукурроқ эгаллашга бел боғлаган тиришқоқ, болалигидан оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юришга ўрганган, машаққатлардан чўчи-майдиган, изланувчан бу йигит ўша пайтдаги “Главташкентстрой” шифохонасига санитар бўлиб ишга киради. Одатда ишлаб ўқийдиган айрим талабалар вақтнинг етмаслигидан нолиб, дарсга кечикиб келишар, баязан ухлаб қолганликларини баҳона қилиб, худди ҳозиргилардек “прогул” ҳам қиласкан. Адҳамжон муваффақиятнинг гарови интизом ва масъулият эканлигини бўй-басти или ҳис этиб, ўқища ҳам, ишда ҳам ибрат бўлди.

Қаҳрмонимиз Адҳамжон Воисов зиммасидаги жамоат ишлирини ҳам оғринмай бекаму-кўст бажаришга интилар, бунинг учун ортга қайтмас вақтнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланар, ҳаракатнинг барокати кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшар, янги-янги мэрраларга илҳомлантирап эди. Аммо, донг таратган профессорлару шифокорлар берадиган билим ва тажрибаларни кунт билан эгаллаш, келажакда устозларидек бўлиш унинг асосий мақсади ҳисобланар, дарслер, ўқув кўлланмаларию тиббиётга оид бошқа манбалар рус тилида бўлганлиги учун уни яхши билмай туриб, орзуси ушалмаслигини Адҳамжон аниқ-тиниқ тушунар, шу боис қўлидан китоб ва луғат тушмасди. Талабаликнинг ана шундай жўшқин ҳаёти билан ҳаш-пашиб дегунча ваҳимали бўлиб кўринган олти йил ортда колди. Адҳамжон Воисов даволаш факультетини аъло баҳолар билан битириб, институтнинг “Тери ва венерик касалликлар” кафедрасига ишга олindi. Энди илм билан астойдил шуғулланмасам бўлмайди, деган бу фидойи ва жонкуяр йигитни инсти-

тут ёшлар қўмитаси сардори этиб сайлашди. Шу даврдан бошлаб менинг Адҳамжон билан ҳамкорлигимга янги сахифа очилди. Энди унинг ташабbusi билан на фақат илмий кашфиётчи талабалар, балки ўқиши ва жамоат ишларида ўзларини ёркин намоён этаётган йигит-қизлар “Студентлик – олтин даврим”, “Қизлар давраси”, “Келинг, очиқчасига гаплашайлик” каби қатор телекўрсатувларимизнинг фаол иштирокчиларига айландилар. Бу Адҳамжон Воисовнинг ёшлар билан ишлаш маҳоратини, ташкилотчилигу ҳозиржавоблик санъатини янада теранроқ эгаллашида муҳим аҳамият касб этганлиги яққол кўрина бошлади. У шу йўлни изчил давом эттириб, ўша давр талабига мос раҳбар бўлиши мумкин эди. У эса ўзи аҳд қиласкан биринчи йўл – шифокорлик касби қозонида қайнашни афзал кўрди. Фаолиятини клиник-ординаторликдан бошлаган ёш тадқиқотчи ўзини шифокор деган улуғ номга муносиб бўлишга багишлади. Ўтиrsa ҳам, турса ҳам, юрса ҳам фикри-хаёли илмда бўлди. Руз тилини пухта эгаллаган ёш мутахассис устозлар маслаҳатига амал килиб, танлаган соҳасидаги қалин китобларни кунни тунга улаб, мутолаа килди. Назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб борди. Илмий-педагогик фаолиятнинг кафедра ассистентлигидан то фан докторлигигача бўлган синовли ва оғир йўлини мардонавор босиб ўтиб, профессор деган юксак илмий унвонга этиши. Дарвоке, у 1978 йилда профессор Р.А. Капкаев раҳбарлигига номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қиласкан бўлса, кейинги ўн йилни ёш олим ўзининг қадрдан институти билан бирга бугунги академик Восит Воҳидов номидаги кўкрак хирургияси илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон ФА нинг эндокринология ва ядро физикаси илмий-тадқиқот институтлари ҳамда 1-Москва тиббиёт институтида ўтказиб, барча назарий ва амалий талабаларга жавоб берадиган докторлик диссертациясини москвалик таникли олимлар хузурида ёқлаб, уларнинг олқишлирига сазовор бўлди. Бу салкам йигирма йиллик меҳнат, мақсад чўқилиари сари тинимсиз изланишу интилишнинг меваси бўлиб, етук олим сифатида танилган ва тан олинган Адҳамжон Воисов илмий ва амалий фаолиятида янги уфқлар очди. У ўзи иш бошлаган кафедрани ва республика “ВИТИЛИГО” илмий-ўқув ҳамда даволаш марказини бошқаришга киришар экан, энг аввало кадрларнинг юқори малакали ва маҳоратли бўли-

шига эришишни ўзининг асосий вазифаси деб билди. Мазкур марказ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг дерматовенерология ва тери касалликлари кафедраларининг бирлашиши туфайли юзага келган бўлиб, профессор Воисов унинг мазмун-моҳияти ва бош мақсадини тубдан ислоҳ қилди. Тўғри ташхис кўйиш ва даволашнинг энг замонавий усулларини кўллаш учун шубҳасизки, соҳа шифокорлари чуқур билим, катта тажрибага эга бўлишлари билан бир қаторда даволашни янги технологиялар асосида амалга оширадиган бўлишлари керак эди. Адҳамжон Шавкатович бунга дарров эришиб бўлмаслигини яхши билса-да, ҳар бир масалани илмий жиҳатдан атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб, хорижий тажриба ва ютуқлар билан қиёслаб, етти ўлчаб бир кесиши одат қилди. Тинимсиз ўқиши, маҳорат сирларини қунт билан ўрганиш, энг муҳими билим ва тажрибага ишониш бош мезон қилиб олинди. Бунинг учун икки нарса муҳим ва зарур эди. Биринчиси дунёнинг машҳур мутахассислари тажрибалиридан сабоқ олиш бўлса, иккичиси марказнинг моддий техник базасини инновацион технологиялар билан мустаҳкамлаш. Шу мақсадда қисқа вақт ичida марказда жипслашган аҳил жамоа бўй кўрсатди. Адҳамжон Воисовнинг кенг қамровли билим ва тажрибасидан, қимматли маслаҳатларию йўл-йўрикларидан баҳраманд бўлган бу жамоа номи тез орада республикамиз ва ундан ташкарида танилди ва тиббиётдаги ютуқлари эътироф этила бошланди. Бу борада марказ шифокорларининг хорижий давлатлардаги нуфузли шифохоналарда даволашнинг янги усулларини ўрганиб қайтганликлари ва ўзларида жаҳоннинг таникли дерматовенерологлари иштирокида ҳалқаро илмий-амалий конференциялар ўтказганликлари бекиёс аҳамият касб этганлигини айтмай бўлмайди. Шубҳасиз, бу саъ-ҳаракатлар Ўзбекистон соглиқни сақлаш вазирлигининг эътиборидан четда қолмади. Адҳамжон Воисов дерматология ва венерология илмий-тадқиқот институтининг директори этиб тайинланди.

Ана шу даврда Воисов раҳбарлигига соҳада ташхис ва даволашнинг янги усуллари амалиётга кўлланилиб, ижобий натижалар қанот ёза бошлади. Бу Адҳам Шавкатович зиммасига яна бир масъулиятли вазифа юклadi.

У Тошкент Давлат тиббиёт институти хузуридаги янги ташкил этилган

махсус кенгашига раҳбарлик қилиб, тери ва венерик касалликлар бўйича докторлик диссертациялари химоясина ийлга кўйди. Худди шу йўналишда бир қатор давлатларнинг тилга тушган илмий-амалий марказлари билан ҳамкорлик ришталарини боғлаб, юқори малакали кадрлар тайёрлашда янги имконият эшикларини очди. Бу унинг анчадан бери ўйлаб юрган ғоясини ҳам оёққа турғизди. Ташабbusi кўллаб-куватланиб, кенг қулоч ёзи. Ҳа демай, “Дерматовенерология ва ре-продуктив саломатлик янгиликлари” номли Марказий Осиёда ягона илмий-амалий журнал ташкил этилиб, гоя муаллифи - Шавкат Воисов бош шифарринг этиб тайинланди. Йигирма етти йилдирки, Адҳам Шавкатович журналинг илм-фан ва тиббиёт равнақи йўлида самарали бўлишини таъминлаб, соҳанинг кўплаб истеъоддларини кашф этди. Етук олим ва шифокорлар сафини кенгайтирди. Муаммолар ечимини топиш минбарига асос солди. Айни пайтда у витилигони даволаш мумкинлиги ҳақида дунёда биринчи бўлиб ўз қарашларини илгари сурди. Унинг ўндан ортиқ кашфиёти, олтида монографияси тўрт юздан зиёд долзарб мавзулардаги илмий-амалий мақоласи, соҳа шифокорлаари ва тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун ёзган ва уч тилда нашр эттирган ўн иккита методик кўлланмаси ана шу йўлда кўйилган шахдам қадамларнинг маҳсулли сифатида тиббиёт ривожига муносиб хисса бўлиб қўшилди.

Адҳамжон Шавкатовичнинг ибратли фазилатларидан бири шундаки, у ходимлари ва шогирдларига ҳар бир ишда шахсий намуна кўрсатиш орқали уларни ютуқлар сари илҳомлантиришга одатланган. У Тошкент тиббиёт академияси “Дерматовенерология ва тери касалликлари” кафедраси мудири лавозимида ишлаш баробарида даволаш ва илмий фаолиятни ҳам изчил олиб бормоқда. Лазер ва фотодинамик лобараторияга асос солғанлиги, республикамизда хусусий шифокорлик амалиёти Асоцацияси раиси сифатида унинг самарали ишлашига жиддий эътибор бериб, ўзи ибрат бўлаётгандаги ҳали эзгу ниятларни орзулари биссёrligидан далолатдир. Унинг иқтидорли ёш мутахассис шифокорлар ва талабалар ўтасидаги Асоцация танловини мунтазам ўтказиб келаётгандаги эса моҳир шифокорларни етиширишда кенг йўл очаётгандаги мақтовга сазовордир.

Нуриддин ОЧИЛОВ

